



ТОШКЕНТ ОҚШОМА

ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЕСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 45 (9.695) 2002 йил 19 апрель, жума ◆ Сотувда эркин нархда

XVI саҳоси
Хаср
Барча манбалардан
олинган сўйғи хабарлар

Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси** Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда мажмуа тасарруфидоғи ташкилотларнинг 2002 йилнинг биринчи чорағи фаолияти яқунлари тўғрисидаги, шунингдек «Соғлом авлод» ҳамда «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурларининг жорий йилнинг ўтган уч ойида бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

● **Бугун**ги тезкор давримизда омавий ахборот воситалари қандай ўрин тутди? Уларнинг говий-сиесий таъсирчанлигини ошириш, ҳаёт билан ҳамоҳанг қадам ташлашига эришиш учун нимага эътибор бериш лозим? Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида ана шу каби масалалар атрофида фикр юритилди.

● **Кеча** пойтахтдаги Миллий матбуот марказида Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ўзбекистон ислом обидлари» фотоальбомининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● **Кеча** Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳузурдаги Маслаҳатлашув кенгаши йиғилишида яқинда нашрдан чиқарилган «Ўзбекистонда Омбудсман» китобининг тақдимот маросими ўтказилди.

● **Кеча** худудларда ҳорижий инвестиция иштирокида қорхоналар ташкил этишни мувофиқлаштириш бўйича Идора-лараро ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

● **Ўзбекистон Республикаси** Бош прокуратурасида идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлди. Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июнда қабул қилинган «Жи-ноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати ролини кучайтириш тўғрисида»ги қарорининг ижроси муҳокама этилди.

● **Навоий шаҳрида** «Ширин» маданият саройида ватанпарварлик мавзусида бўлажак зобитларнинг республика семинари ўтказилди.

Жаҳонда

● **АҚШ Президенти** Жорж Буш Саудия Арабистони валиахд шаҳзодаси Абдулла билан шу йил 25 апрелда Техасда учрашди.

● **Мексика** давлати Уругвайнинг Кубада инсон ҳуқуқлари қандай ривож қилинаётганини текшириш учун БМТ комиссиясини юбориш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлади.

● **Буюк Британия** харбийлари Афғонистоннинг шарқда кенг қўламли харбий амалиётларни бошладилар. Ундан мақсад «Толибон» ва «Ал-Қоида»га тегишли жангариларнинг қолдиқларини йўқ қилишдир.

● **Германияда** «Ал-Қоида» экстремистик ташкилотига қарашли деб гумон қилинаётган беш нафар жасорлик фуқаро устидан суд жараёни бошланди.

● **Россия** Хитой билан ҳамкорликда йўловчи самолётларининг янги авлодини яратишга келишди. Бу борадаги битим тафсилотлари келгуси олти ой мобайнида тайёрланади.

● **Нидерландия** ҳукуматининг истеъфосидан сўнг мамлакат қуруқлик қўшинлари қўмондони генерал Ад ва Баал эғаллаб турган лавозимини тарқ этди.

● **Археологлар** Перу пойтахти Лима яқинида бир неча минг мўминланган жасад қўмилган қабристонни топиди. Қабрлар таҳминан инқлар даврининг сўнги босқичида пайдо бўлган деб тахмин қилинмоқда.

● **Венесуэла** Президенти Уго Чавес БМТ Бош котиби Кофи Аннан билан бўлган субатда мамлакатда демократияни ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва оқсоишталликни сақлаш тарафдори эканлигини айтган.

● **Германияда** 2006 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионати ташкилий қўмитаси уйилар ўтказиладиган шаҳарлар номларини эълон қилган. Бунда 15 давлоғар шаҳардан 12 таси танлаб олинди. Чемпионат 2006 йил 9 июнь кунини Мюнхенда очилиб, финал ўйини 9 июлда Берлинда ўтказилади.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

□ **ТОШКЕНТДА** 7 йил аввал фаолиятини бошлаган Урология ва оператив неврология илмий маркази биноси қурилишининг 3-босқичи нихоясига етди. 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг базиси ҳисобланмиш, ҳозирда 200 беморни қабул қилишга мўлжалланган ушбу марказга эндоскопик тиббий жиҳозлар келтирилди.

□ **УЧ** минг аҳоли яшайдиган Фиёс Умаров номли маҳаллада янги гузар қуриб биказилди ва фойдаланишга топширилди.

□ **ШАҲРИМИЗДА** ўрта махсус

қасб-хунара коллежлари ўқитувчилари иштирокида ўтказилган семинар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда кадрлар тайёрлашнинг ахамиятига бағишланди.

□ **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида, Чилонзор туманидаги 51-оилавий шифохонада «Ҳамшира-2002» кўриктанловлари бўлиб ўтди. Шунингдек, пойтахтимиздаги рус драма театрида «Еш иқтидорлар» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

□ **АМАЛИЙ** санъат музейида ёш расмол Икболжон Илҳомовнинг асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

КЎРГАЗМАЛАР

Замонавий жиҳозлар намоиши

Илгари хабар берганимиздек, **Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги** ва «Тибмаҳсулот» акциядорлик жамияти ҳамкорлигида 23-25 апрель кунлари пойтахтимизда соғлиқни сақлашга оид ихтисослашган кўргазма очилади.

Шуниси эътиборлики, 30 дан ортиқ мамлакатларнинг тиббиёт соҳасига тегишли компаниялари қатнашиши кўзда тутилган ушбу кўргазмадан жаҳоннинг энг ривожланган давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий тиббий жиҳозлар, жумладан ташхис қўйишнинг илгор усулларида қўлланиладиган, тана

аъзоларини кўрадиган компьютерлар, ультратовуш ва рентген аппаратлари жой олади. Қувончли жиҳати шундаки, мамлакатимиздаги «Тибмаҳсулот» акциядорлик жамияти ҳам 250 хилдан зиёд тиббий маҳсулотлари билан ушбу кўргазмада қатнашади.

Ақбар Йўлдошев

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Тиббий ёрдам кўрсатилади

Аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, унинг саломатлигини асраб-авайлаш давлатимиз сиёсатининг бош оми-ларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида хайрли ишга қўл урилди. Яъни Тошкентдан Навоий вилоятига «Саломатлик» поевзи жунаб кетди. Республика даволаш-профилактика муас-

сасаларининг юқори малакали мутахассислари тиббиёт институтлари профессор-ўқитувчиларидан ташкил топган ушбу поевзд Навоий вилоятининг чўл туманларида истиқомат қилувчи аҳолини 20 кун мобайнида тиббий кўриқдан ўтказди.

(Ўз мухбиримиз)

ИСТИРОҲАТ МАСКАНЛАРИДА

Сўлим боғ кўйнида

Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг мириқиб хордиқ чиқарадиган сўлим масканларидан биридир. Шу босдан боғ жамоаси ҳар йилги мавсумга пухта тарат-дуд билан келади. Бу йил ҳам ана шундай бўлди.

КЕЧА

маданият ва истироҳат боғига ташриф буюрганлар бунинг эркин шоҳиди бўлишди. Тошкент шаҳар ва Чилонзор тумани ҳокимлигининг вакиллари, турли идора ва маданият муассасаларининг ходимлари, пойтахтимиз маҳаллаларида истиқомат қилувчи мўътабар отахонлар иштирокида тўқин дастурхон устида дилдан суҳбатлар қурилди, санъаткорлар ўзларининг мумтоз қўшиқлари билан дав-

рага ўзгача файз ва шуқуҳ киритишди.

— Бу йилги режарларимиз кўп, — дейди боғ директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Баҳодир Султонов. — Унинг асосий мазмунини 2002 йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан ўтказиладиган ранг-баранг тадбирларимиз ташкил этади. Ҳар йилгидек бу йилги мавсум ол-дидан боғимизда кенг қўлама ободончилик, кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш ишлари



Кичик ҳалқа йўли қурилишида

Шаҳримиздаги кичик ҳалқа йўли қурилишидаги ишлар қизгин паллага кирди. Ҳозир «Шаҳарйўлқурилиш» трести 4-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари йўлсозлик ва ободонлаштириш, 13-кўприқлар қурилиши ташкилоти ишчилари бевосита 400 метри йўл ўтказгични барпо этмоқдалар. Бугунги кунга келиб йўл ўтказгичнинг барча бешта таянчлари ўрнатиб бўлинди. Унда ҳайдовчиларга қулайлик яратиш мақсадига ҳар бир томонга уч қатордан ҳаракатланиш йўллари, махсус кириш-чиқиш йўналишлари кўзда тутилган бўлиб, йўлдаги ҳаракат зулуксиз давом этади. Қурилиш ишлари билан бирга бу ерда трамвай айланаси изларини олиб ташлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Кичик ҳалқа йўлининг иккинчи навбатига Шимолий вокзалдан йўл ўтказгичга томон қурилиш ишлари бажарилади. Янги иншоотни бунёдкорлар Мустақиллик байрамида фойдаланишга топширишни режалаштирмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: монтажчилар Воҳид Мусаев ва Баҳром Уркинбоев, уста Абдулла Маннопов иш режасини муҳокама қилмоқдалар; бунёд этилаётган йўл ўтказгичнинг умумий кўриниши.

Сергей Любчик олган суратлар.



бажарилди, аҳолининг мароқли ва кўнгли йордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Яъни бу ерга келувчи ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари қизиқарли учрашувларининг, мароқли тадбирларининг, санъатимиз даргалари ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ўтказиладиган кечаларнинг, турли-туман танловлар ва билимдонлар баҳсларининг гувоҳи бўладилар ва уларнинг иштирокчиларига айланадилар. Бир сўз билан айтганда етти ёшли болакай ва қизалоқлардан тортиб етмиш ёшгача бўлган мўътабар отахон ва мунис онахонларнинг дидига мос, қалбига қувонч ва ором бағишлайдиган тадбирлар сўлим боғ бағрида янги мавсумда йил давомида ўтказилади.

Хондамир СОЛИХОВ



Аёл борки, олам мунаввар

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ



Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш Котибияти ва Хотин-қизлар кўмитаси жамиятимиз гули ва таянчи бўлган хотин-қизларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлаш, маънавияти ҳамда маданиятини янада юксалтириш борасида самарали ишлар олиб бормоқда. Бугунги кунда шаҳар хотин-қизлар кўмитаси қошида ташкил топган турли йўналишдаги уюшмалар қизгин фаолият бошлаган. Бизнинг Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида АБДУРАҲИМОВА билан бўлган суҳбатимиз ана шу уюшмаларнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари хусусида бўлди.

МАСЛАҲАТЛАР

Соғлом ва гўзал бўлай десангиз...

Мунис ва дилбар аёлларимиз ҳамisha гўзаллик ва нафосат тимсоли бўлиб келишган. Уларнинг ўзлари ҳам доимо гўзалликка интиладилар.

Аёллар юз териси гўзал бўлиши учун уни тўғри парваришлари лозим ва бунда терининг нормал иш фаолияти учун керакли шароит яратилади. Кўкларда юз терисини алоҳида парвариш тавсия этилади. Бунинг учун ҳар куни тери ва баданини кечки вақт тозалаш лозим. Бу ҳолат организмда қон айланишини яхшилайти, тинч уйқуни таъминлайди.

Терини ювиш ва чайиш учун иложи борича юмшоқ сувдан фойдаланишнинг самараси катта. Булар — ёмғир суви, тоғ, булоқ сувларидир. Кранлардаги сувларда минерал тузлар кўп миқдорда, яъни улар ўта қаттиқдир. Биз фойдаланишга ўрганиб қолган совунлар ҳам тери ва баданимизга ёмон таъсир этади.

Шу сабабли терини тозалаш учун турли гиёҳлардан тайёрланган дамламалардан фойдаланиш мумкин. Масалан: ялпиз, мойчечак, маврак, қуритилган липа гулидан бир қошиқдан бир ярим стакан қайнаган сувга солиб, йигирма дақиқа дамлаб қўясиз. Пахтани ҳўллаб, юзгини ва томоғингизни енгил ҳаракатлар билан артинг.

● Янги узилган бодрингни киргичдан ўтказасиз. Ҳосил бўлган аралашмага ароқ (4/5 га 1/5) қўшасиз, ўн кун тиндиргач, докадан ўтказиб фойдаланишингиз мумкин.

● Тухум саригини бир дона лимон ёки апельсин шарбати билан аралаштирасиз, бир ош қошиқда ароқ ва ярим стакан қаймоқ қўшасиз.

● Юз грамм сметанага бир дона тухум саригини ийлаб, чорак қошиқ ароқ ҳамда яримта лимон сувини қўйинг. Юқоридаги лосьонлар кўп мартаба фойдаланиш учун. Уларни музлаткичда қопқоқли идишларда сақлаб, ҳар куни ишлатиш мумкин. Лосьондан сўнг терингизга ёғли крем суртиш лозим. Крем ўрнида ўсимлик ёғи, қўй ёғидан иккиланмай фойдаланиш мумкин. Ёғ суртгандан кейин ёғнинг сингмаган қисмини пахта ёки қоғоз салфетка билан артиб ташланг.

Доимо гўзал бўлинг!

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

МУСОҲАБА

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

«Аёл, экология ва саломатлик», «Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш», «Дунё хотин-қизлари билан ҳамкорлик қилиш», «Иқтидорли болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш», «Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш», «Оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш» ва шу каби уюшмалар шулар жумласидандир. Ушбу уюшмалар Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси томонидан тасдиқланган режа асосида жамоат ташкилоти сифатида иш юритмоқдалар. Уюшмаларнинг ташкил топиши ва уларнинг асл мақсади — маданий-маърифий, тарғибот ва ташвиқот ишларида фаол қатнашиш, аёлларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш, ҳамкорликда таълим-тарбия, илмий-назарий, маданий ва маърифий ишлар ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиш, оилавий низоларни бартараф этиш, аёлларнинг, айниқса, туғиш ёшидаги аёлларнинг саломатликлари, экология масаласи, қизларни лидерликка тайёрлаш, дунё хотин-қизлари билан ҳамкорлик ҳамда истеъдодли болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Ҳозирги кунда уюшмалар кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда уларнинг туманлардаги раислари ва аъзолари билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказиб, аёлларнинг иқодий ва амалий имкониятларини янада тўлароқ намоён этишга, уларнинг билим ва маҳоратлари, мала-

айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Булар аввало жамиятимиз таянчи бўлиши аёллар, хотин-қизлар ва ёш авлоднинг саломатлигидир. Бу йўлда аввало ўсмир қизларни эрта турмушга бериш, соғлом оилани шакллантиришда қариндошлар ўртасидаги ва барвақт никоҳ тузилишининг зарари жихатлари, шунингдек «Оила кодекси»га биноан турмуш қуриш арафасида турган ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтишининг аҳамияти кенг жамоатчилик асосида мунтазам тарғиб қилинмоқда. Туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш ва соғлом фарзанд туғилиши дастурини амалга ошириш, ўсмир қизлар ўртасида эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, айниқса бугунги кунда она бўлиши учун саломатлигида монелиги бор аёллар жуда ёш ёки ёши катта аёллар ўртасида тушунтириш ишлари бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, гиёвандлик, ичкиликбозлик сингари иллатларга қарши беаёв кураш олиб борилмоқда. Бу муаммоларни бартараф этиш мақсадида хотин-қизлар кўмитаси томонидан кўпгина амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Оналари соғлом юртининг фарзандлари ҳам соғлом ва баркамол ўсади, жамият ҳам раванк топади, албатта. Шунинг учун ҳам аввало оналаримиз, хотин-қизларимизни авайлаб-ардоқлашимиз, эъзозлашимиз зарур.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.

ТАДБИРЛАР

Давра суҳбати

Мамлакатимизда билимли, иқтидорли ёшларни аниқлаш, излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси томонидан барча туманларда жойлашган олий ва ўрта таълим билим юрларида тахсил олаётган ўткир билимли қизлар аниқланиб, уларда етакчилик (лидерлик) фазилатларини янада ошириш ва шакллантириш бўйича давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Яқинда ана шундай тадбир Акмал Икромов туманида жойлашган Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига бўлиб ўтди. «Қизларда етакчилик фазилатларини шакллантириш» мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатида университетда тахсил олаётган ўткир билимли талаба қизлар иштирок этдилар. Тадбирда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректори Д.Бобоҷонова, «Истеъдодли болалар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш» уюшмасининг раиси Ш.Халилова ҳозирги кунда давлат ва жамият ишларида аёлларнинг роли, етакчи қизларнинг оилада, жамиятда қандай фазилатларга эга бўлишлари ва раҳбар аёлларнинг олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Қизгин савол-жавоблар доирасида ўтган давра суҳбати талаба қизларда катта таассурот қолдирди.

(Ўз мухбиримиз)



Бугунги кунда барча олий ўқув юрларида хотин-қизлар кўмиталари қизгин фаолият юритмоқда. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг хотин-қизлар кўмитаси томонидан амалга оширилаётган кенг қўламадаги ибратли ва самарали ишлар фикримиз далилидир.

СУРАТДА: университет хотин-қизлар кўмитасининг раиси Лаълихон Муҳаммадҷонова (ўртада) кўмита аъзолари билан навбатдаги тадбирни муҳокама қилишмоқда.

Сергей Любич олган сурат.



Душанба 22

8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Ташкилот» 8.45-17.55 ТВ market. 8.50 «Камала». Болалар учун кинодастур. 9.25 «Ўзбектеlevision» намоиши...

18.45 ТТВДа сериал: «Жан Кристофф». 6-қисм. 19.35, 21.10, 22.05 «Экспресс» телеагенти...

14.00 Хабарлар. 14.20 «Шаҳар ва шаҳр атрофи». Хужжатли фильм. 14.50 «Муҳаббат РУ». Телесериял...

17.30 «Модерн» студияси. 18.00 «Етти бола». Бадий фильм. 18.50 «Хайр ва ҳақ»...

Сешанба 23

8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35-17.55 ТВ market. 8.40 Газетлар шарҳи...

22.45 Кинотанг. «Жейн Эйр». 2-қисм. 23.40-23.45 «Хайри тун, шаҳрим!»...

12.25 «Еввойи фаршита» Телесериял. 13.20 «Дўстлар-3». Сериал. 13.20 «Дўстлар-3»...

14.20 Диванда дўкон. 14.30 «Шарҳлар». Мул்தосериал. 15.00 «Қандаи-Қандаи»...

Чоршанба

24



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ рынок 8.40 Газетлар шариhi 9.00 «Ўзбекистон» наомийиш: «Бухж илхак йўли» Нуротан...

10.15 Мусийиқ лавзалар 10.25 «Эзмаралда» Телесериял 10.55 Солиқ ҳақида сабоқлар 11.10 «Живованиманган Африка»...

12.15 «Доринона зшитгади» Бевосита мулоқот 23.10 Киноноҳх «Будгайзорлар орабала»...

8.15 «Оқтеғий рашитала» Сериял 9.15 «Кулли панорамаси» 9.45 «Зифи бўйин» 10.45 «Аралаш»...

12.25 «Бавийи фаритала» Телесериял 13.00 «Дўстлар-3» Сериял 13.20 «Хабарлар»...

13.30 «Тонка» Бадийи фильм 16.00 «Месъе Перротион савдир» Бадийи фильм...

7.00 «Альбрэд Хинкок тақдим этади» Телесериял 7.30 «МЭШ» Телесериял 8.00 «Пазур Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар»...

16.00 «Коперник» коди» Сериял 17.00 «Сан-Тропе» Сериял 18.00 «Яшири камера»...

Пайшанба

25



6.00 «Ассалом, Ўзбекистон» 8.00-8.35 «Ахборот» 8.35, 17.55 ТВ рынок 8.40 Газетлар шариhi 9.00 «Ўзбекистон» наомийиш: «Танбир, арча, олов»...

8.55 Қўрсатувлар дастури 9.00 «Давр» Ахборот дастури 9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабулар»...

18.25, 20.00, 21.25, 22.45 «Пойтахт» Ахборот дастури 18.45 ТВДА сериял: «Сант-Барбар»...

0.00 Спорт ярами тунда 0.55 Қўрсатувлар дастури 14.15 «Америка даму» Мультсериял 14.40 «Реактив» дастури...

7.10 «Аза ўрнида ака» бадийи фильм 8.00 Хабарлар 8.20 «Рафиджалар ва қизлар» Мелодрама...

7.00 «Суперитоб» Мультсериял 7.30 «Елканда бошинг бор» 7.35 «Сизлар урун, болболлар»...

7.00 «Канди-Канди» Мультсериял 7.30 «Илдиба» Телесериял 8.00 «Сан-Тропе» Сериял...

19.25 «Доктор Фитц» Сериял 20.30 Сегодунчо 21.25 П. Глобанинг баюратлари 21.30 «Полицейчолар»...



6.00 «Ассолом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Айборот»
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Гарройбот»
9.25 «Простоквашинолик учоғи». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга ҳақмат қилман»
11.00 «Она мейри»
11.20, 14.05 ТВ янвс.
11.25 Болалар учун. «Ҳазил, ҳаёқ, ҳағма»
11.45 Эркин кўраш бўйича Ўзбекистон чемпиони.
12.15 Сиртқи телевизион олимпиада.
12.35 «Паназлиқ сирлари»
12.45 «Муҳижалар майдончаси». Телевизион ўйин.
13.35 «Умид неҳоллари» спорт ўйинлари кўндалиги.
14.10 «Кўраш амин оғонлари»
14.40 «Уй бекаси»
15.00 «Бу аҳби фанси». Телевизион ўйин.
15.20 ТВ клип.
15.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиони. «Насоф» - «Трактор», «Нефчи» - «Андижон»
17.00 «Оқ опен». Телевизион ўйин.
17.40 «Талабалик йиллари»
18.00 «Олтин тоқ». Телевизион ўйин.
18.30 «Кешлақ ҳақида ўйлар»
18.50 Кўйла, Ўшнинг.
19.05 «Туртқи ҳошимат»
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлинома» (рус тилида)
20.05 «Оламга сайхат»
20.30 «Тахлинома»
21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга»
21.40 «Умид неҳоллари» спорт ўйинлари кўндалиги.
22.10 «Келин-куёв». Телешоу (1 апрелдаги кўрсатув такрорланади)
23.20 «Кино олимпиада»
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.



7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги»
9.00 «Янги авлод» студияси: «Хамма нарсаи билганишма истайман»
9.25 «Муълтомоша»
9.40 Футбол-плюс.
10.00 Давр-интервью.
10.15 «Законат» интеллектуал ўйини.
11.05 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-автандарчилик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари.
11.45 Оқил дастурхон.
12.00 «Муруват». Бадий фильм. 1-қисм.
12.40 «Некер» муқоратияга қўйилди Дилфуза Раҳимова кўйлаб.
13.10 Спорт ҳафтомаси.
13.25 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
14.15 Қийлоқдаги тенгдошим.
14.35 Интерфутбол.
16.15 «Рамона», Телесериал.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Келинг танишайлик»
17.20 Якшанбада кўришунча.
17.35 Олтин мерос.
17.40 «Учинчи сайёра» мадрий-фий дастури.
18.30 «Қўшқўқ»
18.45 Оқшом навоғари.
18.55, 21.55 Илми.
19.00 «Давр» плюс.
19.20 ТВ-янвс.
19.25 Оқун.
19.50 Снефидош.
20.10 Аёл қўли наволари.
20.30, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Муруват». Бадий фильм. 2-қисм.
21.20 Зинама-эина.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр ҳафта ичида»
22.35 Туғил тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Яраланган юрқ». Бадий фильм.
00.25-00.30 Хайри тун!



17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эрталакнинг сехри олами»
19.00 «Спорт-тайм»

19.20 «Табриклимайн-кутлаймиз»
19.50, 20.30, 21.45 «Экспресс» телеағзаси.
20.05 «Саломатлик маскани»
20.20 «Телефақат»
20.45 «Муслиқ пахалар»
20.55 «Жаҳон географияси»
22.00 Киноноҳ. «Тўй ҳағма»
23.30-23.35 «Хайри тун, шаҳри!»



9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа»
9.10 Д. Криволинин «Йўлда ёлманган қайдарлар»
9.30 «Хамма ўқиданганда»
10.10 «Кайфият» дам олиш дастури.
11.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 «Муълтоғаси»
11.40 «Парле ву франса?»
12.05 «7 дан 70 гача»
12.35 «Хусусийлаштириш: қадим-бақадим»
13.55-14.55 «Дўстлик» видеоканали: «Маврақ», «Дидар», «Озар-Бизанс» тўғрисида.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Фан тайм»
16.15 СР тақдим этиди: «Бешанчи ўйнов»
16.40 «До-ми-соль шоу»
17.20 С. Светличная «Ошпаз аёл» фильмида.
18.50 «Ҳазил котидан ҳазил»
19.25 «Ўз-ўзига режиссёр»
20.10 «Тенгдошлар»
20.40 «Менг шохим»
21.00 «7 кун». Ҳафта ақунлари.
21.25 «Кинопрофи»
22.45 Киноматограф: «Пулнинг нси бўлайди». Бадий фильм.
00.05 «Тахлинома»
00.40 «Тунгизга осуда бўлсин!»



9.05, 11.30, 17.45, 20.30 «Телеҳақор»
9.30 «Малика Сиси» мультсериали.
10.00 «Мояй кўш» Болалар учун эртак-фильм.
12.00 «Акселератка» комедияси.
13.40 «Бэффи» телесериали.
14.30 «Шрек» мультфильми.
16.10 Қизқорди уршоулари.
17.00 «Ўз ўйини» телешоуси.
18.10 «Мудт кетди» триллери.
19.50 «Оқшона» мусиқий дастур.
20.00 «Агентлик» сериали.
21.00 Делектив соғги.
21.40 Темир николиби киши-тарихий фильми.



5.35 «Сог бўл, азиям!» Комедия.
7.00 Янгиликлар.
7.10 Россияга хизмат қилман.
7.40 «Нағалорлар болалари» мультфильми.
8.05 Тонги оғду.
8.50 Библиомания.
9.00 Янгиликлар.
9.30 «Қайд атилманган ёзувлар»
9.30 Ҳамма уйда.
10.10 Кутқарувчилар.
10.40 Сабақчилар клуби.
11.20 «Ота Даулининг сирлари». Делектив.
12.15 «Ўзим билман». Ҳажвий дастури.
12.50 Ақллилар.
13.10 Кремль захоралари.
13.30 «Микки Маус ва унинг дўстлари». Мультфильм.
14.00 Янгиликлар (субтитрлар билан).
14.15 Йил қўшиғи. Бақор.
16.00 Жили табият.
17.00 Кенчи янгиликлар (субтитрлар билан).
17.20 «Ошпаз қиз». Комедия.
18.50 «Ҳазил кетидан ҳазил»
19.25 «Хаво қамқоқасини». Бадий фильм.
21.30 Времна.
22.45 «Ника-2002»



3.20 «Эртага, учинчи апрелда...». Бадий фильм.
4.35 «Астерикс ва Клеопатра». Мультфильм.
5.50 Рус лотоси.
6.40 «ТВ-бизго-шоу».

7.20 Хайри тун, Ватаним!
7.55 Ўз-ўзига режиссёр.
8.50 «Шаҳарча»
9.25 «Матилда» комедияси.
11.00 Хабарлар.
11.20 Парламент соати.
12.05 Хайвонлар ҳақида суҳбатлар.
13.00 «Жаҳон бўйлаб»
13.50 «Аншлақ»
14.45 ТВ-БИНГО-инглизлар.
15.00 «Кўча аскарари». Бадий фильм.
17.00 Ҳафта хабарлари.
18.10 «Кулли ҳонаси»
19.10 «Ўян дўстименг тўйи». Бадий фильм.
21.15 «Спорт ҳафта ичида»
21.45 Автопога бўйича жаҳон чемпиони.



5.45 «Мерседес» қўяпти» жанри фильми.
7.00 «Бугун»
7.20 «Сезам қўчаси». Болалар учун дастур.
7.40 «Оқ болалар болалари»
8.10 «Пелеси-чарт»
9.00 Бугун.
9.15 «Чин кўнгиладан иқроор бўйиш»
9.45 «Хаммаси бирданганга»
10.20 Уй муаммаси.
11.00 Бугун.
11.20 «Ҳилоқчи». Бадий фильм.
13.15 «Мазаги тарихлар»
13.25 «Кутқарил хизматчи»
14.00 «Ўз ўйини»
15.00 Бугун.
15.50 «Мен ва мейвэг итм» доғшоуи.
16.35 «Аёл нигози»
17.15 «Одма юз уршоу»
17.45 Е. Степаненко шоуи.
18.50 «Тергов сирлари». Сериали.
20.00 «Намедди»
21.15 «Қўнқорлар»
21.35 «Махлуқлар». Бадий фильм.
23.50 «Коинок дароззалари». Сериал.
0.55 Чемпионлар лигасининг қурчалы.



9.00 «Сўда ҳаёт». Девий кўрсатуви.
9.30 «Миноғлар» бадий фильми.
11.30 «Хавфи ўқлик». Бадий фильм.
13.15 Саломатлик формуласи.
13.30 «Кулли учун» бадий фильми.
15.30 «Эгизак». Бадий фильм.
17.30 Миннатдорчилик ила Лоба хонима.
17.40 «Модерн» студияси.
17.50 Энг яхши табиблар.
18.00 «Фаза қаҳрамонлари». Бадий фильм.
20.00 «Сехрли пуфакчалар». Бадий фильм.
21.55 Узақ яшаш сирлари.
22.00 «Аливод, Толедо» бадий фильми.
0.00 Номьялум.
0.10 «Туртқи лойиқа»
0.30 «Ландоувурлар». Бадий фильм.



7.00 Мультфильм.
7.40 «Фестивалия мамлакат»
8.10 Болалар учун фильм.
9.25 Менинг ватаним.
9.55 «Эркин семимиллари»
10.20 «Оқ йўл»
10.45 «Сенсис қўз». Театр.
12.45 Оқиди 15.
13.05 «Беш истельдадлар»
13.35 «Қўққ алифбоси»
14.00 «Сизни М. Носиров таклиф этиди»
14.30 «Мерседес» қўяпти» бадий фильм.
15.50 Мультфильм.
16.10 Уюмилли.
17.00 Мультфильмлар.
17.15 «Оқ йўл»
17.35 «Севил». Бадий фильм.
17.05 Ҳужжатли фильм.
19.30 «Биргалликда»
20.00 «Актёр ўйи»
20.40 «Номьялум Россия»
21.00 «Бетховен — ҳаёт қўнлари». Бадий фильм.
22.30 Жаз ва нафакат у.
22.55 «Иш берувчи». Бадий фильм.
0.00 «Қўққ алифбоси»
0.30 Ҳужжатли фильм.
1.25 Мумтоз кўйлар.
1.50 «Севил». Бадий фильм.

3.10 Катталар учун мультфильм.
3.30 Оқиди 15.



9.00 «1/52» спорт дастури.
9.15 Тодфик уйда.
9.30 «Русалочка». Мультсериали.
10.00 «Тик-такрамон». Мультсериали.
10.30 «Пандалецк мамлакатидан Жин-Жин». Мультсериали.
11.00 «Симпсонлар». Мультсериали.
12.00 «Мангулик» парони». Сериали.
13.00 «Икс мутанглири». Телевизион.
14.00 «24». Айборот дастури.
14.15 Ҳарбий сир.
14.45 «Ҳўм этилган». Бадий фильм.
15.50 «Гувоҳ»
17.20 «Агентлик». Комедия сериали.
17.50 «Одам-ўргилмақ». Мультсериали.
18.40 «Негарар» сериали.
20.30 «Дархат қўйиб». Бадий фильм.
22.35 Телешоулар.
23.45 «Нью-Йоркдан қочиб» бадий фильми.
1.05 «Маҳрўй ҳужжатлар» сериали.
2.10 «Альфред Хичкок тақдим этиди». Телесериали.
2.45 Кенчи мусиқили канал.



8.00 Аёллар хабридин.
8.30 «Сейпориум» мультсериали.
9.00 Мультсериали. «Марсулпалак»
9.30 «Биринчи шахслар»
10.00 «Рус хисоби». Комедия.
12.00 Ҳафталик «Сегоднаник»
13.00 Тибобет ҳақида суҳбатлар.
13.30 «Дисквари соати»
14.30 «Океан тарихи». Ҳужжатли сериал.
15.00 «Ярим одам, ярим ҳайвон» ҳужжатли фильми.
15.30 Мультсериали. «Марсулпалак»
16.00 «Сехрли мактаб автобуси». Мультсериали.
16.30 «Сейпориум» мультсериали.
17.00 «Биринчи тўқини» сериали.
18.00 «Ўзини ўқидирди». Трагедия.
19.15 Мультфильмлар.
20.30 «Йўлба топилмаган тарихлар»
21.00 «Кино, кино, кино»
21.25 П. Глобаинг бақоратлари.
21.30 «Амазония». Саргуашт фильми.
23.45 «ТНТда реллинг». Аёллар лигаси.
0.45 «Тўғи канал»
3.10 П. Глобаинг бақоратлари.
3.20 «Йўлба топилмаган тарихлар»
3.50 «Биринчи тўқини». Сериал.
4.30 Ҳафталик «Сегоднаник»



9.00 «Сўда ҳаёт». Девий кўрсатуви.
9.30 «Миноғлар» бадий фильми.
11.30 «Хавфи ўқлик». Бадий фильм.
13.15 Саломатлик формуласи.
13.30 «Кулли учун» бадий фильми.
15.30 «Эгизак». Бадий фильм.
17.30 Миннатдорчилик ила Лоба хонима.
17.40 «Модерн» студияси.
17.50 Энг яхши табиблар.
18.00 «Фаза қаҳрамонлари». Бадий фильм.
20.00 «Сехрли пуфакчалар». Бадий фильм.
21.55 Узақ яшаш сирлари.
22.00 «Аливод, Толедо» бадий фильми.
0.00 Номьялум.
0.10 «Туртқи лойиқа»
0.30 «Ландоувурлар». Бадий фильм.



8.30 «Хамма вақт Москва». Ҳужжатли сериал.
9.00 «Нимандан? Ниманга?» Болалар учун дастур.
10.00 Мультфильмлар.
10.45 «Дала почтаси»
11.15 Боримиз.
11.35 Мазаги қўс.
12.00 Москва ҳафтаси.
12.25 Ийблармомчилик касалиги.
12.45 «Яшил фурун». Бадий фильм.
14.25 «Б. Ноткин таклиф этиди»
15.00 Вокзаллар.
15.15 «21-сон» дастурида саломатлик ҳақида.
15.45 «Алифбоси». Телешоу.
16.25 «Иш қўрилмақда» токшоуи.
17.05 Ҳайти тана.
17.15 «Ингизна котиллик» телесериали.
19.10 «Эркаларнинг иши». Телесериали.
21.00 «Ҳақикат ладзаси»
22.05 Хоккей бўйича жаҳон чемпиони Россия — Австралия.
0.10 Вокзаллар.
0.20 Спорт экспресси.
0.55 «Делекатисе»
1.25 Олтин фишка.
2.20 «Сезиш қўйилмақда». Бадий фильм.

Қўшимча даромад кимга ёқмайди дейсиз. Йўлқирадан ошмайидан ойлик маошдан ташқари, хамёнга жарақ-жарақ пул тушиб турса, бунинг савобиға ким етсин. «Қаердан қандай йўл билан» деган саволларға жавоб излаб бошингиз қотиб ўтирмасин биродарлар. Ҳозир буни ҳеч ким сўраб-суриштирмайди.

Яқинда десангиз, «ташаббускор» бир корхонага янглишиб кириб қолиб, ҳайитда кийган чопондан ажралиб қолишмиға бир баҳа қолди. Ким билади, балким сиз ҳам ушбу корхонанинг оламшумул ихтиросидан баҳраманд бўлиш истайдирсиз.

Бўлмас эшитинг: шундай қилиб десангиз, душанба кўни, соат ўн бирдан ўттиз етти дақиқа ўтганда, «Маийши хизмат кўрсатиш» корхонасининг қизилға бўялган, икки табақали эшигидан «бисмиллоҳ» деб ичкариға қадам қўйдим.

— Ассалому алайкум, келинг, келинг қадамларға ҳасанот, оповси, — дея мени қарши олди ширмон юзли истараси кўсиқ бир жувон, оғзи тўла тилла тишларини ялтиратиб.

— Шу ерда дазмол таъмирлайдиган уста бор деб, эшитган эдим.

— Олдин оёқ кийимингизни хув анави тоғорадаги сувға ботириб устингиздаги чопонни ечиб менга беринг, ана ундан кейин ҳар қанча гапингиз бўлса,

Оламшумул ишлар

(Ҳажвия)

жон қулоғимиз билан эшитамиз, ўргилай.

Мен ишни тезроқ битириш мақсадида «Опахон, хавотир бўлманг. Оёқ кийимим топ-тоза. Уйдан чиқаетганда ювиб олганман», дедим.

— Қаерда ювганингиз билан ишимиз йўқ. Аммо корхонамизга ташқаридан бирон-бир инфекция эргашиб кирмаслиги учун эҳтиёт чораларини кўришимиз керак. Биз биринчи навбатда мижозлар соғлиғи ҳақида қайғураимиз.

Мендан нима кетди, эски қалишни яна бир бора сувға ботирсак ботирибмизда.

Шундай деб тумшуғи кўчган қалишни бир эмас уч марта тоғорадаги сувға қўмилириб олдим.

— Энди, — деди жувон икки юз сўмлик лотореяға «Тико» автомашинасини ятуб олган одамдек суноиб, — чопонни ечиб менга беринг.

— Опахон, овора бўлманг, мен уста борми йўқми, шуни билмоқчиман лотос.

— Вой ўргилай бунча шошилмасангиз, олдин чопонни ечиб менга топширинг, ана ундан кейин нимани сўрасангиз ихтиёрингиз.

Ноилж чопонни ечиб, аёлнинг тилла узукли қўлиға тутқаздим.

— Энди барака топгур, хув анави ердаги кассаға, 150 сўм чопон учун, 150 сўм тоғораға ботирган қалиш учун пул тўлаб, қивтанциясини менга кўрсатганингиздан сўнг саволингизға жавоб оласиз.

Бу гапни эшитиб аввалиға ханг-манг бўлиб қолдим.

— Ие, опаюн бу қаердан чиққан янглик?

— Замондан орқада қолмасиз, ўргилай, — деди жувон оғзидаги сакчини қарсиллатиб чайнар экан, — мижозларға пуллик хизмат кўрсатишининг янги турини жорий этганимизға бир ой бўлди.

— Яхсиси опаюн, дазмол устасини бошқа жойдан қидирарман. Чопонни бу ёққа олинг.

— Бунинг сира иложи йўқ, оповси. Аллақачон чопон билан қалишни рўйхатдан ўтказиб қўйдим. Тезроқ кассаға бориб оёқни тоғораға ботирганингиз ва чопонни ушлаб турганим учун пул тўлаб келинг. Эслатиб қўяй, қивтанцияни кўрмагунимча чопонингизни беролмайман.

— Бу ёғи қизик бўлдику. Ўз қўлим билан берган чопонимни ўзим оломласам-а?!

— Ажабланманг, укаюн, ажабланманг, — деди жувон мени юпатган киши бўлиб. — Бизға ҳам осон тутманг. Ойликларимиз етмайди. Қўшимча даромад топиш учун бошляғимиз корхонамизға шундай янглик киритганлар.

Мен ноилж кассаға олтига бели синмаган элиқ сўмлик тўладим.

— Энди чопонимни берарсиз?

Жувон чопон ўрниға мени яна бир янглик билан сийлади.

— Хув анави чой хўплаб ўтирган мўйловли одамнинг олдиға бориб рўйхатдан ўтиб келинг.

— Тавба! Яна қанча рўйхат? Ахир мен дўхтирға келганим йўқ. Сизларда дазмол устаси борми йўқми, шуни билмоқчиман холос.

— Биласиз, ҳаммасини биласиз... Лекин корхонамиз раҳбарияти эшикдан кириб келган мижозларға қулайлик яратиш мақсадида ой сайин янглик илтиро қилиб туришға мажбур. Ҳар кунда неча одам бизға мурожаат қилишини махсус дафтарда қайд этиб, янги ойнинг 23-кўни бошқармаға ҳисобот топшираимиз. Ҳозирча туманда биринчиликни қўлдан чиқармай келятимиз.

— Менга деса, — дедим фиғоним ошиб, — ундан қаттасиға ҳисобот бермайсизми? Фақат нега мен бекордан бекорға пул тўлашим керак?

— Биз ҳеч кимдан бекордан бекорға пул олмаймиз, оповси, — деди жувон мийғида қулиб. — Мен билан гап талашгунча рўйхатдан тезроқ ўтиб келинг. Бўлмаса хисобчимиз тушликка қилиб, икки соатдан кейин келадилар, кўтиб қоласиз.

Яна юз сўм тўлаб, чети йиртик дафтаринг ўн учинчи бетига отам ва ўзим-

нинг исимини ёздириб қелдим.

— Бўлдим, опаюн. Мана қивтанциянгиз. Энди чопонни қўзинг.

— Оловға келганмизми, намунча шошилмасангиз, — деди опаюн лабини чўччайтириб, — энди хув анави эшикка кирсангиз уста боши ўтирипти. Ўша кишиға «дазмол устаси»да қандай ишингиз борлигини ёздириб чиқинг.

— Ие, сиз нима мени хонавайрон қилмоқчимисиз?

— Арзиманган икки юз сўмға ҳам хонавайрон бўладими одам? Бўйи-бастингизни кўрган одам бизнесмен бўлса керак деб ўйлайди. Уят бўлади. Унақа майдалашинг, оповси.

Номус қучидан уста бошиға ҳам икки юз сўм тўлаб, дазмолнинг сими узлиб кетгани, шуни тузаттирмоқчи эканлигини ўқловдек ҳарфлар билан ёздириб чиқдим.

— Мана, опаюн, бир килограмм гўштини пулини сарф қилиб юбордим. Почтаимиз билан қўша-қаринг. Энди ҳайитда кийган чопонимни қўзиб қўйинг.

— Чопонингиз қочиб кетмайди, укаюн. Анави тоғорадаги сувға яна бир марта қалишингизни ботириб келинг. Тагин худо кўрсатмасин корхонамиздан бирон-бир касал юқтириб кетманг.

— Боя тоғораға қалиш ботириб, 150 сўм тўладим-ку.

— Боя эшикдан кирганингиз учун тўлаган эдингиз, энди эшикдан чиқшингиз учун тўлайсиз.

Бу жувон билан ади-бади айтишиб ўтириш бефойдалигини билиб, тумшуғи кўчган қалишни яна бир марта кир тоғораға ботириб, кассаға юз элик сўм тўлаб қелдим.

— Гамхўрлингиз учун раҳмат, опаюн, — дедим кесатиб, — энди чопонимни берарсиз.

Жувон худди Эльбрус тоғиға байроқ қадаган одамдек кеккайиб.

— Чопонингиз мана, ўзингизға буюрсин, — деди.

Жаҳлим чиққанидан бу ерга нега келганим ҳам ёдимдан кўтарилиб кетдим.

— Ҳаҳ ёшлар-а, — деди жувон фикримни сезгандай, — дазмол устасини сўраб келганингиз.


— Ҳа-й! Дазмол устаси борми бу ерда?

— Дазмол устаси, — деди у донадона қилиб, — бизнинг корхонамиздан қучиб кетганига уч ой бўлди, ҳозир соқол оладиган машина устаси бор. Агар ўшанда ишингиз бўлса ташқарига чиқиб, эшикдан бошқатдан киринг, — деди.

Ана шунақа гаплар, хурматли дўстлар, кичик корхонанинг оламшумул ишларини энди сиз ҳам билиб олдингиз.

Жўра МАҲМУД

Сўранг, жавоб берамиз



2000 йил август ойида турмуш ўртоғим билан ажрашганман. 2001 йил ноябрь ойида судга бердим. Алиментни қачондан бошлаб олишим мумкин?

М.Низомова.

Алимент пулини олиш учун судга берган бўлсангиз, даъво аризаси берган вақтингиздан бошлаб белгиланган тартибда ундириб берилади.

Кўп қағазга унинг иккита ёлма-ён жойлашган хонадонда ака-ука яшар эдик. Акам уй олиб чиқиб кетди. Энди иккита хонадонни битта қилиб қўшиб олишим учун қарерга мурожаат қилишим керак?

А.Абдуллаев.

Акангизнинг хонадонини ўз номингизга ўтказиб олмақчи бўлсангиз, фақат у кишининг розиликлари билан ҳаля шартномаси бўйича бу ишни амалга оширишингиз мумкин.

Набирам дунёга келганда қизим вафот этди. Тўрт кулик набирани кўёвим ва қудаларимнинг розлиги билан мен уйма-га олиб келиб катта қилдим. Ҳозир у 4 ёшда. Пропискаси ҳам менинг уймада. Васийликка қонуни бўйича олганман. Энди эса кўёвим набирани олиб кетди. Мен энди қарерга мурожаат қилишим керак?

С.Уауббекова.

Набиранингизни сиз қонуний тартибда ўз тарбиянгизга олган бўлсангиз, отасининг хатти-ҳаракатлари бўйича туманлараро фуқаролик судига мурожаат этишингиз мумкин.

Мени ноқонуний ишдан бўшатилган эди. Судга мурожаат қилиб, ҳуқуқларимни талаб қилдим. Ишнинг тиклашди. Айтиш-чи, ишдан бўшатилган даврим умумий меҳнат стажимга қўшилиши? Умуман бундай ҳаракатини ҳуқуқий оқибатлари ҳақида маълумот берсангиз.

М.Имомова.

Иш берувчининг айби билан ҳодим ишдан гайриқонуний четлаштирилган тақдирда иш берувчи ҳодимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юкланади. Оқловчи ҳукм чиқарилганда ёки айбланувчининг оқловчи муносабати билан жинойи иш тўхтатилганда, шахсга гайриқонуний четлаштириш оқибатида етказилган зарар тўла ҳажмида қопланади. Ҳодимга иш ҳақи ва гайриқонуний ишдан четлаштирилганлиги натижасида маҳрум бўлган бошқа меҳнат даромадлари қопланади. Агар шу сабабга кўра ҳодим унинг розилиги билан кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказилган бўлса, бундай ҳолда унга иш ҳақиди фарқ тўланади. Кўрсатилган ҳолларда етказилган зарар учун компенсация тўлаш молия идоралари томонидан амалга оширилади. Ишдан гайриқонуний четлаштирилган давр умумий меҳнат стажига ва касби бўйича иш стажига қўшилади.

Бир шифокор сизнинг қўлимни тузатаман деб, унинг ишлайми қилишига сабабчи бўлди. Айтишчи, ўз ишига сувоққонлик ва масъулиятсизлик билан қараган шифокорларга нисбатан жазо чоралари борми?

У.Раҳимов.

Албатта. Бундай масъулиятсиз кишилар етказилган зийннинг ҳафлилик даражасига қараб, жиноят кодексининг 207-моддасининг тегишли қисмлари билан жавобгарликка тортилади.

Шифокорлар менга гўшт ва гўшт маҳсулотларини истеъмол қилмасликни тавсия этишди. Бундан соғлигимга зарар етмай-дими?

М.Ашуров.

Маълумки инсон соғлом бўлиши учун истеъмол қилган овқатлари таркибидан, албатта оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минерал тузлар ва дармондорилар бўлиши шарт.

Киши сихати учун оқсиллар фақатгина гўшт ва гўшт маҳсулотларида эмас, балки бошқа маҳсулотларда ҳам маълум миқдорда учрайди. Гўшт истеъмолни тавсия этилмаган кишилар учун бошқа маҳсулотлардаги оқсил миқдорини кўрсатиб ўтаемиз. 100 грамм маҳсулот ҳисобида: нонда — 7,6–8,1грамм, макаронда — 10,0-10,4 грамм, хўҳорида — 15,1, сузмада — 18,0, ёнғоқда — 16,1, сизир суттида — 2,8, нўхотда — 5,0-6,0, ловияда — 4,4–4,8 грамм оқсил мавжуд. Кўриниб турибдики, гўшт истеъмолсиз ҳам соғлигингизга ҳеч қандай зарар йўқ.

Жавоблар Юнусобод туман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икромжон Исмоилов ва тахририят ходимлари томонидан тайёрланди.

Ҳурматли ҳампахарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 136-55-83 телефонига кўнгирик қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Қозонга яқин юрсанг...

Ўтган дам олиш кунни эски қадрдоним Жўра тажанг билан учрашиб қолдик. Гапларимиз кўпайиб икки қария анча вақт ҳасратлашдик. Сўхбат асосида пиёда юриб Эски Жўвага бориб қолибмиз.

— Менга қара, — деди Жўра тажанг шунда, — яхшиси анави ошхона-чойхонага кириб сўхбатимизни давом эттирсак нима дейсан.

Тахлил менга ҳам маъқул тушди. Ошхонага кириб эндигина жойлашган эдик, ёнгина-миздаги стулга икки йигит келиб ўтирди. Ўзаро келишиб бир тақсимча газак олишида, қўйин чўнтақларидан бир шиша ароқни чиқариб стаканларга тўлдириб қуйишди. Худди биров қувгандек шишадаги ароқни апила-тапил ичиб бўлишди.

Шундан кейин йигитлар бир очилиб кетишди, бир очилиб кетишди. Гапларини эшитган одам уларнинг орасидан гўё қил ҳам ўтмайди, дейди.

— Анча соғинишиб қолдик. Қара кунни кеча сен ҳақингда уйлловдим-а.

— Мени айтмайсанми, бугун тушимга кирибсан.

— Нима қилдик, «оқ бола»дан яна биттасини урамизми, — деди улардан бири.

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

— Ўладиган дунёда ичсак-ичибмизда, — шеригининг сўзини қувватлади иккинчиси. Улар барабар ҳамён кавлашга тушишди. Аранг эплаштириб пул тўллашди.

— Газагига нима қиламиз?

— Мана боғи газак ҳали шундоқ турибдику.

— Бўлмаса сен ўтириб тур. Мен дўконга гизиллаб бориб келаман, — шундай дея улардан бири тез чиқиб кетди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қандай чиқиб кетган бўлса шундай тез қайтиб келди. Биз ҳали олдимиздаги овқатни тановул қилиб улгурмай йигитлар иккинчи шишани ҳам бўшатти. Кейин узларича ҳисоб-китоб қила бошлашди.

— Мендан 50 сўм ортиқча кетди. Қани 25 ни чўз.

— Ҳозир ёнимда йўқ.

Шу баҳонада «улфатлар» сан-манга бориб қолишди. Кейин бирдан бир-бирларига бўридек сапчиб ёқа бўғиша кетишди. Улардан бири чаққонлик билан бўшаган шишани олиб «дўсти»нинг бошига туширди. Бир зумда жабрайилда йигитнинг юз-кўзи қон бўлди. Яхшиям шу яқин орада юрган милиционер воқеадан хабар топиб уларни дарҳол бу ердан олиб чиқиб кетди. Бўлмаса воқеа нима билан тургарди билмадик.

Лекин оқ ароқ қора қилмишини қилиб улгурганда, Қозонга яқин юрсанг қораси юкар, деганлари шу бўлса қаракда.

Кўриб турибсиз бандман

— Уйдан чиқаётганимда кампирим ул-бул нарса олиб келишимни буюрган эди. Анави дўконга кириб чиқайлик, — деди Жўра тажанг ошхонани тарк этиб ташқарига чиққанимиздан сўнг.

— Майли, мен ҳам набираларга бирон ширинлик олволарман. Эшикдан киришим билан «Бобо, нима олиб келдингиз?» деб олдимга югуришданга жужуқлар.

Дўконга кириб оғзимиз очилиб қолди. Бу ерда нималар йўқ дейсиз. Анқонинг уруғидан ташқари истаган нарсангиз топилади. Пештахталар ранг-баранг озиқ-овқат маҳсулотлариға, ичимликлар, ширинликларга тўлиб кетган.

Ширинликлар бўлимга ўтсак икки-уч сотувчи қизлар ўзаро гурунғ қуришаётган экан. Улар гап билан бўлиб бизга эътибор беришмади. Қарасак, ҳали-бери сўхбат тугамайдиган. Уларни безовта қилишимизга тўри келди.

— Қизлар, анави шоколад неча сўм туради, — сўради Жўра тажанг.

— Қанақа одамсиз, ахир кўрпапсизку мен бандман, — деди улардан бири.

Жўравойининг тезлиги тўтди.

— Бу қандай одобсизлик. Отанг тенги келадиган одамга шунақа муомала қилсанми, қизим.

Бу гапдан сўн улардан иккитаси бизга хўмайиб қараб ўз сотув жойига кетди. Сотувчи қиз эса яна бобиллади.

— Сизлар кўпчилик, мен биттаман. Ўн та қўлим йўқ, Чарчаганимда бироз хордик чиқаришга менинг ҳам маънавий ҳаққим бордир, ахир. Қап-катта одамлар шуни ҳам тушунмай-сизлар-а. Хўп айтинг, нима оласиз?

— Анави шоколаддангиз ярим кило бергин, қизим.

Сотувчи тарс-турс қилиб биз кўрсатган маҳсулотни тарозуга қўйди. Тош босар-босмас уни таги тешик елим халтачага солди.

— Халтачининг бутунини йўқми?

— Бори шу. Хохламасангиз ана бозор икки кадам. Янгисидан олиб келишингиз мумкин.

Жўра тажанг яна оғиз жуфтлаган эди, унга керак эмас, маъносида қараб қўйдим. Лекин ёшгина сотувчининг муомаласидан кўнглимиз ранжиди.

— Йўқ, — деди йўл-йўлаки Жўра тажанг аччиқлибди. — Ана шунақа одобсизларни боплаб газетига уриш керак.

Биз ҳам шундай қилдик. Лекин баъзи мулоҳаза ҳамда сотувчининг ёшлигини ҳисобга олиб дўкон рақамини келтиришни лозим топмадик. Зеро, гап эгасини топади.

Яхши ният — ярим давлат

Яқин ўртада йўлингиз Марказий универсал дўконининг ўнг томонидаги хиббонга тушди-ми? Агар тушган бўлса сўлим хиббоннинг «Зангори гўмбаз» ошхонаси, чойхонаси ва уларнинг қаршида жойлашган гавжум қаҳвахона яқинидан ўрин олган ахлатхонани кўрган бўлсангиз керак. Биз ҳам шу хиббонни кезаётим мана шундай нохуш манзарага дуч келдик.

Хиббон бўйлаб кетган йўлдан бироз юргач кўз ўнгимизда каттагина ахлатхона пайдо бўлди. Шаҳарнинг энг гавжум, энг обод жойида шундай ахлатхонанинг бунёд бўлганлиги бизни ташвишга солди. Яна бунинг устига баҳорги ободлаштириш, қўқаламзорлаштириш ишлари қизгин паллада олиб борилаётган бир даврда бундай кўнгилисиз ҳолатдан дилчимиз ранжиди. Ахир бу ердан бир кунда қанча-қанча одамлар, меҳмонлар ўтади. Улар орасида хорижликларни ҳам учратиш мумкин.

Ахлатхона атрофидаги ўқ овқатланиш мажмумига келган хўрандаларнинг бу нохушлиқдан дили оғримайди дейсизми, балки бугунги кунда шу атрофдаги ошхоналарда ёки ушбу хиббонда хўранда-ю сайилгоҳларнинг сони қанчалик қолганлигининг боиси шундан эмасмики? Билмадик, ҳашар йўли билан бир соатда йўқ бўладиган бу ахлатхона яна қачонга-ча ҳамшаҳарларимиз кўзини «қамаштириб» ётаркин. Балки хиббон фаррошлари ва шу яқин атрофдаги ошхона хизматчилари ёрдамида у тезда бартараф этилар. Яна ким билсин? Ҳар қалай яхши ният — ярим давлатда.

«02»: ҲОДИСАЛАР

- Гивёндлик иллатининг инсон саломатлигига қанчалик зарарли эканлигини унутиб қуйиб қоратори олдидан-сотибидан шугулланаётганларнинг хатти-ҳаракатлари оғир жиноят ҳисобланади. Жумладан, Сирғали тумани, Сирғали-4 мавзесидаги темирйўл кесимсиз олдидан милиция ходимларининг назарида биринунча шубҳа уйғотганлиги боис тўхтатилган шахслар ҳам шундай қабиҳ ишга қўл урган эканлар. Бир автоуловда кетаётган бу йўловчиларнинг бирортаси ҳам ҳеч қаерда ишламайдиган кишилар бўлиб, боз устига барчасида гивёнд моддалари борлиги аниқланди. Шундай қилиб аввал ҳам судланиб чиққан Қорақаммиш-2 даҳасизлик Ш.З. ёнидаги 1,23 грамм марихуана, Боруний кўчасида яшовчи З.К. эса 1,67 грамм героин учун ва Юнусобод даҳаси, 15-мавзесада истиқомат қилувчи З.А. эса ёнидан топилиб 4,5 грамм марихуана моддаси учун қонуний ҳазорларини оладилар.
- Юнусобод туманидаги «УзМал» ёнлиги қуйиш шохобчаси олдидан милиция ходимларининг назарида нимадандир безовтадек бўлиб шошиб бораётган бир аёл тўхтатилди. Маълум бўлишича, Юнусобод даҳаси, 19-мавзесада истиқомат қилувчи Л.У. исми бу аёлнинг сумақасида 730 грамм героин моддаси бор экан. У «оқ ажал» деб аталмиш ашёни нима мақсадда олиб юрганлиги тўғрисида бирон-бир аниқ гап айта олмади қўйин ахволга тушиб қолди.
- Шайхонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган «Чорсу» бозорига қўли эгри кимсаннинг бир йўла икки фуқаронинг мол-мулкига кўз олайтириб ўғрилик жинояти содир этганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, Қашқадарё вилояти, Қасби туманилик Л.И. исми бу йигит ярим кечаси бозор ичкарисига кирдилади, тadbirkор — Сама-рқанд вилояти, Челақ тумани, Амир Темуру кўчасида истиқомат қилувчи З.У.га тегиш-

- ли 300 килограмм майзини ўғирлаб кетди. Аммо навбатдаги режасини амалга ошириш чоғида, яъни сузма-курт маҳсулотлари ростидадан тadbirkор З.Д.нинг 2 қол-қуртларини ўмариб кетаётганида туман ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди.
- Юнусобод тумани «ТошГЭС» даҳаси ҳудудида жойлашган «Хон» қаҳвахонаси томонидан бузиб кириб, у ердан ҳамми 120000 сўмлик ҳар хил ичимликларни ўғирлаган шахсини туман милиция ходимлари далилий ашёлар билан ушладилар. Бошқалар каби ҳалол меҳнат қилиб яшашни хохламаган бу ўғри йигит Самарқанд вилоятининг Қўшар-тўд туманидан экан. Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Унга ҳам ушбу ноҳўра ҳаракати учун қонуний жазо тайин.
- Миробод тумани, Локомотив кўчасида жойлашган «Улнор» қаҳвахонасида Сариқўл кўчасида яшовчи Р.Х. исми йигит спиртли ичимликка ҳаддан ташқари тўйиб олиб, «хунар» кўрсатди. У жамоат жойларидан ўзини қандай тўтишликни билмагани туфайли бу ерда жанжал чиқариб Н.Ж.ни уриб, унга тан жароҳати етказди. Воқеа жойида ҳозир бўлган милиция хо-
- димлари ушбу безорини тегишли жойга олиб кетдилар.
- Собир Раҳимов тумани ИИБ тежор ходимлари томонидан Қорақаммиш-2 даҳасидаги «Фаргона» қаҳвахонаси олдидан ўз номига қалбаки ҳужжатни расмийлаштириб олиб, ундан газали мақсадлари учун фойдаланмоқчи бўлиб юрган шахс қўлга олинди. Фаргона вилояти, Ўзбекистон тумани, Ганнобод жамоа ҳўжалигида яшовчи бу йигитга қалбаки ҳужжати ўзи йўлганидек фойда келтирмай, ақсинча оқибатда афсус-надомат кечкишга сабабчи бўлиб қолди.
- Чилонзор тумани ИИБ ходимлари томонидан «Отчопар» бозори ҳудудидаги «Ургач» автобуслар тўхташ жойида тadbirkор, Хоразм вилояти, Хазорасп туманилик М.О.нинг қўлидаги сумақини ва 456000 сўм пуллари олиб жуфтакни ростиётган Бухоро вилояти, Жондор тумани Н.Раҳабов жамоа ҳўжалигида яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган Х.Н. далилий ашё билан ушланди.

Самарқанд ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИБ Матбуот
маркази нозир.

Ибротли ҳикоятлар

Чакимчилик, ивгогарликнинг натижаси кишини бирор фалокатга йўлиқтирмай қўймайди. Буни кўйидаги ҳикоятдан ҳам билиши мумкин.

Бир асрон бетоб бўлиб қолди. Ҳамма хайвонлар ҳол сўрагани келдилар, фақат тулки келмади. Бўри бу куйи фурсатни ганимат баёлиб асронга:

— Тулкининг ярамаслигини энди яхши билдингизми, ҳамма хайвон сизни кўргали келса ҳам тулкидан дарак бўлмади. У сизни ҳеч бир менсимайди, ҳурматингизни сира ҳам бажо келтирмайди. Унга азоб бериб оғоҳлантириб қўймасангиз, бошқа хайвонлар ҳам ундан иброт олиб, ҳурматингизни бажо келтирмасликлари мумкин, — деди.

Бўрининг сўзларини бир кувён эшитиб турганди. Дарҳол тулки ёнига бориб воқеани баён қилди. Тулки бу ишдан хабардор қилгани учун кувёнга ўз миннатдорчилигини билдирди. Тезлик билан далага чиқиб бир ҳўрсани тутиб олди, асроннинг бўш вақтини топиб унинг ҳўзурига кирди, салом бериб келтирган ҳадисини унга тақдим қилди. Асрон газабланиб:

— Мен бетоб бўлиб ётганим, ҳамма хайвон кўргали келди. Фақат сен келмадинг. Бу ишини менга қўйиб қўйганингизни кўрсатади, энди сенга жазо беришим керак бўлиб қолди, — деган эди, тулки тазийм қилиб:

— Тақсир, мен сизнинг қадр-қимматингизни жуда яхши билман. Лекин кела олмаганимнинг сабаби бор. Бетоблигингизни эшитиб жуда қайғурдим. Фоятда тажрибавор бир табиб борлигини эшитганим. Дарров унинг ёнига бориб, сизнинг ҳўзурингизга даъват қилдим, лекин боланс вафот қилгани учун табиб таъзияга келган-кетган билан машғул экан, шунинг учун ҳўзурингизга кела олмади. Кейин мен қандай касаллик билан органингизни айтдим ва қандай дори-дармон кераклигини сўрадим. Табиб менга:

— Тақсирим, ҳўроз гўштини есинлар ва ўтини почаси қони билан аралаштириб сўрсанлар, бўрининг обғини олиб боғласинлар, — деди. — Мана тақсир шу сабабдан сизнинг ҳўзурингизга кечикиб келдим.

Асрон тулкининг сўзига ишонди, ҳўрсингизни гўштдан еган эди, ўзини бироз энгил хис қилди. Тулки кетгандан кейин бўри келди. Асрон бўрини ушлаб олди, унинг бир обғини узиб олди. Кўнини ҳўрсингизни ўти билан аралаштириб ўзига сўрди. Бўри зўрға чиқиб қочди, органининг қаттиклигидан бир жойга бориб йиқилди, юришга асло кучи қолмади.

Шу пайт тулки келиб, бўрининг ҳолини кўриб айтиди:

— Қалайсиз дўстим, нега бундай ҳолга тушдинг? Чакимчи ва ивгогарликнинг сени бу ҳолга туширди. Бундан сўнг кишига зарар етказишдан тилинги сақла, чакимчи ивгогар бўлма.

Истасанг ким етмасин сенга бало, Бўлма ивгогар, чакимчи мутлако.

● Хайр-саховати, гўзал хислатлари билан халқ оғзидан доғдан бўлган машҳур Хотамтойнинг гўзтада гўзал ва чопкир оти бор эди. Бу от халқ орасида шўҳрат топганди. Хотам ҳам бошқа отларидан кўра бу отига зиёда аҳамият берад, у билан ифтихор этарди. Бир кун Рум подшоҳининг мажлисида сўбатлашдилар.

— Одамгарчиликда, саҳийликда Хотамга ўхшаш олийжаноб, мард одамни дунё юзи кўрмаган, — деб Хотамни таъриф ва таъсиф қилдилар, унинг машҳур отини эса мактадилар. Подшоҳ уларнинг сўзини, таъриф-таъсифларини эшитиб:

— Хотам ва унинг отини жўдарам мактадингиз. Даллисиз, ҳўжасиз даъво асосқидир. Мен ўзим уни синиб кўраман. Ўша гўзал отини менга ҳади қилишини илтимос қиламан. Агар илтимосимни қабул қилиб отини бериб юборса унда улуғлик шавқати ва ҳайбати борлигига ва сизларнинг таъриф-таъсифингиз ҳақиқат эканига ишонман, — деди.

Подшоҳ шу мақсад билан бир вазирга ўн кишини ҳамроҳ қилиб Хотамтой ҳўзурига жўнатди. Элчилар кишининг сўнгги ойдада Хотамтой қабиласига етиб келдилар. Кун совуқ, қор-ёғмир ёғишдан тўхтамаган эди. Қор-ёғимрдан азоб чеккан, совуқ ё қолган элчилар Хотам уйига етиб келиб роҳатландилар. Хотам элчиларни иззат-икром билан қабул қилиб, улар шарафига от сўйди, зиёфат қилиб ҳаммаларига олтин ҳади қилди. Ўша кун кечаси элчилар роҳатланиб дам олдилар. Эртаси кун эрталаб вазир келишларидан мақсад нима эканини айтиди. Хотам вазирнинг сўзини эшитиб, пешонасига бир уриб ҳасрат-надоматлар қила бошладилар. Вазир бунинг сабабини сўраган эди, Хотам шундай деб жавоб берди.

— Эй олий насабли вазир, нега мақсадингизни кеча айтмадингиз? Ҳамма от, сиғир, қўй ва туяларим далада эди. Қор-ёғмир ёғиб тургани учун чўнинини қўй келтириш учун далага юбормасдан, ўша гўзал отимни сўйиб сизларга зиёфат қилдим. Агар олдинроқ хабар қилган бўлсангиз эди, отини подшоҳга ҳади қилиб, уни хўрсанд қилган бўлардим.

Вазир афсусланиб:

— Отни бекорга сўйгансиз, оз нарса билан ҳам қаноат қилардик, — деди.

Хотам:

— Келган мەҳмонни яхшироқ зиёфат қилиш меннинг одат ва қонунимдир. Шу одамимга биноан сизларни оч қолдиришни истамасдим, — деди.

Элчиларни у бир неча кун меймон этди, кейин кўп инъом эхсонлар қилиб Ватанларига жўнатди.

Вазир қайтиб келиб воқеани подшоҳга айтиди. Подшоҳ Хотамнинг ҳақиқатан олийжаноб, саҳий одам эканига ишониб, унга таҳсин ва офаринлар қилди.

САВДОГАР ВА ҲАМЁН

Карх бозорининг даллолларидан бири шундай ҳўжа қиладди. Хар йили Хўросон вилоятидан бир савдогар Бағдодга мол олиб келарди. Мен унга дастёрлик қилардим. Унинг барча молларини сотиб, пулига Хўросонбоп молларни олиб берадим. Бу даллолликдан менга катта фойда келарди. Чўнончи бир йиллик рўзгоримга етадиган пулни ишлаб олардим. Савдогар, иттифоқо, бир йил келмади. Бунинг натижасида менинг ишимга нуқсон етди ва қашшоқликка юз тутдим. Ишим кўндан-кўн орқага кетди. Ниҳоят, дўконни ёпиб, уйга кириб ўтириб олдим. Ой кетидан ой ўтарди. Ниҳоят, ҳаж мавсуми яқинлашди. Мен хўросонликлар кўнадагидан саройга бориб, улардан савдогар ҳақида бирор хабар беришларини сўрадим. Аммо, бахтга қарши, савдогар ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмади.

Саройдан умидсизланиб, ғамгин ҳолда орқага қайтдим. Ит-

сувга тушдим. Ҳамёни сув ёқасида қолдириб, бир соат чамаси сувда истироҳат қилдим. Ниҳоят, сувдан чиқиб, кийимни кийиб, ҳамёни олишни эсдан чиқариб қолдириб кетибман. Бирор соатдан сўнг ҳамён эсимга тушиб, Дажлага келдим. Харчанд қилдим, топмадим. «Ёқутнинг баҳоси уч минг динор туради. Вилоятга боргач, амирга ўз молимдан уч минг динор бераман, деб ўйладим. Ниҳоят, вилоятга қайтиб боргач, амирнинг олдига бориб, бўлган воқеани бошдан-оёқ сўзлаб бердим ва ўз молимдан уч минг динорли мол ажратиб амирга бердим. Бироқ амир менга қараб: «Мен берган ёқутнинг қийматиغا эллик минг динор баҳо қўйибдилар. Ё эллик минг динор бер, ёки ёқутнинг ўзини бер!» деди. Шундан сўнг, мени ушлаб қамади. Барча мол-мулкимни ўз тасарруфига олди. Мен етти йил қамоқда ётдим. Ниҳоят, шаҳар аъёнлари аҳволимга ачиниб, қафиликка сўрадилар.

Уларнинг илтимосига кўра, амир мени қамоқдан озод қил-

Муҳаммад Авфий

Жавомий ул-ҳикоёт

тифоко, йўлим оролга тушиб ҳавонинг ҳарорати сабабли Дажлага бордим ва бир оз сайр қилиб, у ердан чиқиб дарё қирғоғига бордим. У ерда қум қўй эди. Оёғим қўмга ботди. Бир амаллаб оёғимни қумдан тортиб олган эдим, бир нарса оёғимга ўрлаб чиқди. Қарасам, олтинга тўла ҳамён экан. Ҳамёни олиб уйга келдим ва олтинларни тортиб қўрдим, минг динор экан. Мен ўз ўзимга: «Фақир ва бечораҳоллигим маълумдир. Бу олтинларни ўз тасарруфимга киритай, эгаси топилса тоширарман», дедим. Шундан сўнг, олтинларни олиб, савдо ишини қайтадан бошлаб юбордим. Худойи таоло менинг молимга барака ато қилди. Тез кунда менинг молим ўн минг динордан ошиб кетди. Ушбу муддатдан етти йил ўтди.

Кўнлардан бир кун дўконнинг эшиги олдида ўтирган эдим, эски чопон кийган бир киши келиб салом берди ва мен алик олиб, бирор садақа талаб бўлса керак, деб ғумон қилдим. Дарҳол мен унга садақа бермоқчи бўлган эдим, у киши мендан зоҳини ўғириб кета бошладилар. Кўнгул тақозосига кўра, мен унинг орқасидан бориб, юзига яхшироқ тикилиб қараган эдим, ўша хар йили келадиган савдогарлигини кўрдим. Уни бу аҳволда кўриб, юз-кўзидан ўпдим. У дунёнинг бевафоллигидан гапириб кўп йиғладилар. Йўлда ҳаммомга олиб кириб, янги кийимлар кийгазди: «Энди ўз аҳволингдан гапир!» дедим.

«Яратган тангрим менга катта бойлик берган эди. Чўнончи хар йили келиб, сен билан савдо қилганимга ўзинг шўҳидсан. Бу ердан охириг йилли ўз юртимга қайтганимдан сўнг, вилот амира мени ўз ҳўзурига чақириб: «Менда бир донга ёқут бор, қафддек текис. Унинг баҳосини аниқлашга барча билимдонлар оҳиэзлик қилмоқдалар. Бу нарса амирулмўмининда ҳам йўқ. Ушбу ёқутни сенга бераман: Бағдодга олиб бориб сотасан ва пулига хар хил моллар олиб берасан», деди. Амрдан ёқутни олдим. Ҳақиқатан ҳам мактаганидан зиёдароқ эди. Ёқутни ҳамёнинг орасига тикдим ва унинг ёнига минг динор олтинни солиб Бағдодга келдим. Бир кун Дажла дарёсининг оролчасига бориб, бир оз истироҳат юзасидан

ди. Аммо бундан буён ивгогарлар ва душманлар кўз олдида яшай олмадим. Шунинг учун шаҳардан чиқиб бу ерга келдим. Мақсадим сени топиб, сен билан тирикчилик ҳақида маслаҳатлашмоқ эди», деб сўзини тамомлади.

— Сенинг олижаноблигинг ва покиза эътиқодинг туфайли худойи таоло молингни баъзи бир қисмини қайтиб берди.

— Қандай қилиб?

— Бундан етти йил муқаддам ҳамён топиб олган эдим.

Уни ўша сен айтган жойдан топиб олганман. Ҳамёнда бир минг динор бор эди. Динорларни ўз дастомоғга айлантirdим. Ҳозир ўша сенинг минг динор олтининг менинг зиммамда турибди. Бинобарин, олтинларингни мендан қайтариб олгин ва ўз эътиёжингга сарф қил! — Мендан бу сўзни эшитган, савдогар: «Ҳамён жойида турибдими?» деб сўради. Мен бор, турибди дедим.

Ҳамёни унинг ҳўзурига олиб келдим. Савдогар ҳамёнини ичини ағдариб, остки қисмини тешган эди, у ердан бир бўлак ёқут чиқди, унинг шуъласидан гўё уй ёришиб кетгандай бўлди. Савдогарнинг назари ёқутга тушган ҳамоно, беҳуш бўлиб йиқилди. Бир оздан сўнг хушига келиб Яратганга ҳамду санолов ўқиди. Мен минг динорни унинг олдига қўйдим. Аммо олмади. Кўп илтижо қилдим. Шундан сўнг, йўл харажати деб уч юз динорни олиб, қолганини менга ҳади қилди. Эртаси кун карвонга қўшилиб ўз шаҳрига равона бўлди. Ниҳоят, ўз шаҳрига етганда, шаҳар аъёнларидан бир тўдаси унинг истибқолига чиқдилар.

Савдогар уларга ҳамён воқеасини баён қилди. Ҳамда улардан ёқут мижорасига воситачилик қилишларини илтимос қилди. Улар савдогарнинг илтимосини қабул қилиб, бирликда амир ҳўзурига бордилар ва ёқутни амирга топширдилар. Шунингдек, ёқутнинг қайта топилиш тарихини баён қилдилар. Амир ўз қилишидан уялиб савдогарнинг барча мол-мулкни қайтариб берди. Бир неча йиллик заҳматдан сўнг савдогарнинг юзига бахт-саодат эшиги очилди.

Тўғрун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма

Азиз оқшомдон! Таърифлари баён этилган сўзлар шаклда ёйлар бўйича ёзилиб «он» сўзи билан туговчи олти ҳарфдан иборат.

1. Ҳушбўй манзарали ўсимлик.
2. Темирчи ва заргарликда ишлатиладиган анжом, кунда.
3. Сўхларнинг камёб тури бўлган жонивор.
4. Урта асрларда хизмат кўрсатган амилорга бериладиган унвон ва имтиёз.
5. Замонлар сўзининг китобий атамаси.
6. «Дон Жуан» поэмасини ёзиб қолдирган инглиз шоири.
7. Кўнма зина.
8. Милитик ўқи.
9. Файритабий манзарадан тааж-жўбга тушган ҳолат.
10. От-ул-қатори.
11. Кўч, қувват, мадор.
12. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўғилларидан бири, замонасининг шоири.
13. Шарқ мамлакатларидаги қадимий жазо маскани.
14. Ҳосил уюми.
15. Мамлакат бошлигининг қонун кучига эга бўлган фармойиши.
16. Ашё сифатида ишлатиладиган фил тиши.
17. Мақолдан: «...отандан улуг».
18. Дехқончилик асбоби.
19. Европадаги давлат пойтахти.
20. Қадимий ер ўлчо-ви бирлиги.

Муаммоннома

Очкич сўзлар: 1. Уткир Ҳошимовнинг «Инсон садақоти» асари ҳақрамони — 18, 6, 15, 1.

2. Абдулхамид Чўлпон шеъри — 14, 2, 6, 11.

3. Уриб чалинадиган миллий мусика асбоби — 21, 22, 17, 22, 1, 2.

4. Жўн ёки ипақдан бадийий буюм тўкувчи хўнарманд — 3, 7, 6, 2, 9, 20, 19, 12.

5. Ливия Республикасининг пойтахти — 13, 2, 10, 1, 4, 5.

6. Пойтахтимизнинг Кўкча даҳасидаги қадимий маҳаллардан бири — 8, 24, 13, 12, 22, 1.

7. Шаҳрисабзнинг қадимий номи — 23, 24, 16.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очкич сўзлардаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммоннома ўқисангиз мутафаккир ижодкор Саъдий Шерозий меросига мансуб икки мисра ҳўкमत аён бўлади.

Тўғручи **Фозилжон ОРИПОВ**

ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 12 АПРЕЛЬ СЕНИДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Ёйлар бўйича: 1. Турон. 2. «Дугоҳ». 3. Қўшиқ. 4. Тўфон. 5. Погон. 6. Қўшиқ. 7. Водил. 8. Қогон. 9. Зебра. 10. Бедил. 11. Норин. 12. Шоира. 13. Робот. 14. Қошин. 15. «Чинор». 16. Фирот. 17. Собит. 18. «Бозор». 19. Симоб. 20. Чигит. 21. «Замон». 22. «Сароб». 23. «Сегоҳ». 24. Бетон.

Муаммоннома

Очкич сўзлар: 1. Иқбол. 2. Аъло. 3. Истак.

Ҳўкमत: Китоб — ақл қальаси.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Манзилми: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

катталар — 133-29-70;

эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;

факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 8332 нусхада босилди. Кўзг бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кўналари чиқади. Напр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рядани билан рўйхатга олинган

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ски «Тошкент почтамти» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида тарғилиб ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-нашрия акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.



Ғолиб шаҳар босқичида қатнашади

Мирзо Улуғбек туманида мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўртасида «Йил тарбиячиси — 2002 йил» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Танловда тумандаги 525, 222, 312, 367, 223, 148 каби олтига боғча тарбиячилари тўртта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Улар шарт ижроси давомида янги педагогик технологияларни иш фаолиятига татбиқ этиш, миллий истиқлол ғоялари, Конституция сабақларини ёш авлодга сингдириш, миллий урф-одат ва анъаналар, халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш, таълим самарадорлигини оширишда қандай ишларни олиб бораётганликлари,



ХОСИЯТЛИ ЎСИМЛИКЛАР

СЕДАНА

Шафакдай товланиб, бўрсиллаб турган куча юзидеги седана қандайдир нашида бағишлаши билан бирга, иштахага барака бермай қўймайди. Седана қадимдан ўзбек хонадонининг ошхона бисотида ўрин олиб келмоқда. Улкамизда ўсувчи мингларча хосиятли ўсимликлар орасида седана алоҳида ўрин тутади. Мазкур ўсимлик Марказий Осиё жумҳуриятларининг тоғ этакларида ўсади. Седананинг бўйи 1-2 кўлч атрофида, қалин тукли, икки йилликдир. У июнь-август ойларида гуллади, гуллари калта бандли, қўзичоқ, икки-учтаси тўпналиб, каттагина попух ҳосил қилади. Меваси қўсқач бўлиб, унинг ичиде кўпгина чоркиррали уруғлар бўлади.

Седана уруғлари нафақат кўлчаларга зёб берибгина қолмай, балки бир қатор хасталиклар давоси ҳамдир. Буюк табиб Абу Али ибн Сино седана билан кўз ногиронлигини, ундан тайёрланган асал шўратини эса қовуқ ва буйракдаги тош азиятларини даволашда ишлатган. Ўз даврида қовуқ уруғи таъсирига эга бўлган седана гижжа хайдовчи, қоракўрт захрини кесувчи омил сифатида ҳам қўлланилган. Халқ таъбобати амалиётида седана уруғларидан тайёрланган давланими тиш, мёъда, юрак оғриқларида, пешоб хайдовчи беозор омил сифатида тавсия этилган. Булардан ташқари седана уруғлари давланими тумов, томоқ оғриғига малҳам воситаси сифатида ҳам фойдаланилади. Седанали давланималар маълум даражада уйқуга мойиллик яратувчи, она сутини кўпайтирувчи, қабзиятни латифлаштирувчи табиий даволардир.

Халқ орасида седананинг ажойиб хусусиятини бариқдан ўринли фойдаланилди. Баъвосил касалиғига даво сифатида седана уруғ-

лари кунга уч бор ичиб турилади, ёхуд тўш ёғига обдон қориштирилиб, азиятли жойга суртилган бўлса дардга малҳамлик қилади.

Табиби замонлар ноҳус хасталиклар бўлиши зотилкам, зичнафас (бронхит астма), сарик касаллиғи, истиско (водянка), ўпка найларининг шамоллаши (бронхит), бемаврид қайд қилишда седанани даво топишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг таъбирича, инсоннинг аъзои раисаларида мавжуд даҳмаза модда ва хилларини чиқариб юборади. Ибн Сино келтирган маълумотларга қараганда, седана сўғал ва холларни, пёс пайсаларини йўқотишга ёрдам беради. Хозирда Шарқ халқ таъбобатида седана уруғлари кишига дармон бахш этадиган, пешоб хайдайдиган, эмизикли оналар сутини кўпайтирадиган табиий даво сифатида тавсия этилади.

Замонавий тиббиётда седананинг айрим хосиятларидан ўринли фойдаланимда, жумладан седана ўтидан тайёрланадиган давланим юрак хаприкшида, пешоб йўлидаги тош касаллиғида, зичнафасда дарддан қолишда фойдаланилади.

Седана уруғларининг шифобахш хусусиятлари унинг таркибида мавжуд бўлувчи омиллар билан тушутирилади. Унинг таркибида 40 фойз атрофида мой, салмоқли миқдорда эфир мойлари, С белгили дармондори, флавоноидлар, алкалоидлар, шопирувчи моддалар, маъданий унсурлар ва бошқа моддалар жой бўлган. Маълумотларга қараганда, седана бактерияларга қарши таъсир этувчи моддалар бор экан. Шу боисдан бўлса керак, седанали бўрсилдоқ нонлар хийла узок сақланади ҳамда могорланишига мойиллиги камроқ.

Дискридуз ҳакимнинг таъбирича, седана уруғларидан суистеъмоқ қилиш кишини заифлаштириб қўйиши мумкин.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим.

ТАДБИРЛАР

Болалар ижодиёти шаҳар фестивалини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу сафарги бундай тадбир «Зукко авлод — 2002» ширин остида уюштирилди.

Истеъдодлар муносиб тақдирланди

Ушбу фестивалда ўндан ортик ижодкор ўқувчи ёш ғолиб деб топилди. Уларнинг бадиий ижодининг ўнги яқин тури бўйича яратган асарлари кўргазма сифатида намойиш қилинди.

Шунингдек қолган иштирокчилар ҳам туман халқ таълими бўлимининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тумандаги 382, 380, 426, 493, 512-боғча кичкинтойлари ижросида янграган ашула ва ўйинлар, шеърлар, қизилқарли музикавий дастурлар ушбу мусобақанинг янада қолли ва қизилқарли ўтишига хизмат қилди.

Шоира МУХАМЕДОВА.
СУРАТЛАРДА: «Йил тарбиячиси — 2002» кўрик-танловидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Анвар АХМЕДОВ

Дилдан яйрашди

Меҳрга муҳтож ногирон болажонлар кўнглини кўтариш, уларга саховат кўрсатиш энг эзгу амаллардан биридир.

Ўзаро иқтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг Меҳрибонлик туман бўлимида ҳам ана шундай хайрли ишлар тез-тез амалга оширилади.

— Ниятимиз кўнгли ярим, саховатга, меҳрга муҳтож ногирон болажонлар кўнглига озгина бўлсада ёруғлик, илиқлик олиб кириши, — дейди Ўзаро иқтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг Миробод туман бўлими раиси Эркин Содиқов. — Меҳру садоқат рамзи бўлиши ушбу муборак кунларда болажонларимиз учун яна бир хайрли тадбирни ўтказдик. Кунга кеча 100 дан ортик шу туманда яшовчи ногирон фарзандларимиз ота-оналари билан «Шарқ» марказига байрам тадбирига таклиф этилди.

Байрамона, баҳорий таомлар билан безалган дастурхон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Равшан Комилов, Қумуш Раззоқова ва бошқа таниқли санъаткорлар ижросида янграган шўх куй ва кўшиқлар болажонлар кўнглини шодликка тўлдирди.

Дилдан яйраб, юраклари фаҳрга тўлган болажонларга хойиларнинг соғва-саломлари топширилганда эса уларнинг севинчлари яна бир қарра ортди.

(Ўз муҳбиримиз)

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Шри Ланкадан хушхабар

Кейинги пайтларда ўзбек курашининг жаҳоннинг турли қитъалари мамлакатларига жуда тез кириб бораётганлиги, хусусан кўплаб янги мусобақалар ташкил этилаётганини спорт ишқибозлари яхши билишади.

Шри Ланка мамлакатининг пойтахти Коломбо шаҳрида ҳам кураш бўйича биринчи халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда ўнги яқин давлатлардан келган курашчилар ўзаро куч синашди. Шунингдек билан таъкидлаш кераки, мусобақа пайтида Коломбодаги ўн минг кишилик стадион кураш мухлислари ва журналистлар билан лиқ тўлди. Шри Ланка телевидениесиде курашга бағишланган махсус кўрсатув намойиш этилди, ушбу мамлакат Кураш федерацияси тимсолининг тақдими тош бўлиб ўтди.

Беллашувлар учта вази тоифасида ўтказилди. Шуниси қизиқки, 63 ва 73 килограммгача бўлган дастлабки икки вазида фақат Шри Ланка ва Ҳиндистон вакиллари ғолиб ва совиндорлар сафидан ўрин олган бўлса, 81 килограммгача бўлган энг оғир вазида финалга Ҳиндистонлик Рам Нивас ва юртимиз вакили Илҳом Шералиевлар тушишди. Ушбу қизиқарли баҳсни бой берган Шералиев иккинчи ўрин билан қўйиланди.

Ғолибларга қимматбахш совғалар топширилди.

Нуфузли мусобақа олдида

Миллий (Бухороча) кураш билан бир қаторда юртимизда Фарғонача усулдаги белбоғли курашининг ривожига ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Наманган вилоятининг Поп туманида 1985-1986-йилларда туғилган ўсимлар ўртасида белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика белбоғли кураш федерацияси ва Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган турнирда республикамизнинг кўпгина вилоятларидан ёш, умидли полвонлар ғалаба учун кураш олиб борди.

Қизиқарли беллашувлардан сўнг 46 килограммгача вазида Икром Умаров, 65 килограммгача полвонлар ўртасида Дониёр Аскарлов, 71 килограммгача қатнашчилар баҳсида Асил Эгамбердиев, 83 килограммгача вазида эса Хасанбой Умаровлар жумта шохусланиннг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Шуниси қувонарлики, мутлақ вазида ғалаба

хамшаҳримиз Мансур Баҳромовга насиб этди. Мусобақа ғолиблари шу йилнинг июнь ойида Россияда ўтказиладиган жаҳон биринчилиғига тайёргарлик кўришмоқда.

Тайёргарлик босқичини ўтайди

Маълумки, жорий йилнинг куз ойида Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари XIV Осиё ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади. Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарияти Равшан Хайдаров бошчилиғидаги терма жамоасининг ушбу мусобақаларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш мақсадида аниқ режа ишлаб чиқди. Унга кўра Ўзбекистонлик чарм тўп усталари 12 май кунини Словения терма жамоаси билан сафарда ўртоқлик учрашуви ўтказишади. Бу беллашувдан олдин эса терма жамоамиз Хитойга сафар қилади. Чин мамлакатиде уюштирилаётган иккита ўртоқлик учрашуви эса Словения термасига қарши ўтадиган баҳсга яхши тайёргарлик босқичини ўтайди.

(Ўз муҳбирларимиз).

Жаҳон Кубогига қатнашишади

Республикамизда от спорти бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳслари аяқланди. Умумжамоа ҳисобида ҳамшаҳарларимиз биринчи ўринни эгаллади. Сурхондарё ва Тошкент вилояти чавандозларига кейинги совинли ўринлар насиб этди.

Шаҳсий ҳисобда ҳам ҳамшаҳарларимиз кўплаб юқори натижаларни кўрсатишди. Жумладан, Анна Лисья аёллар ўртасида от йўрттириш бўйича катта совин баҳсларида «Қалина» лақабли отида ғолиб чиққан бўлса, «Қазанкич» отида иккинчи ўринни эгаллади. Ўрта совин мусобақаларида ҳам у 1 ва 2 ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди.

Олти тўсиқдан ўтиш бўйича конкур мусобақаларида эса Иброҳим Йўлдошев ўз маҳоратини кўрсатди. У 140 ва 150 сантиметрлик тўсиқларда «Легенда» лақабли оти билан Ўзбекистон чемпиони унвонини кўлга киритди.

130 сантиметрлик тўсиқдан сакрашда Иброҳимнинг укаси Искандар Йўлдошев «Монах» лақабли отида барчадан устун келди. Шунингдек, Даврон Ғофуров, Исажон Содиқов каби пойтахтлик чавандозларга ҳам совинли ўринлар насиб этди.

Ғолиблар шу ойнанг охирида Бишкекда ўтказиладиган Жаҳон Кубогининг биринчи босқичи беллашувларига тайёргарлик кўрмоқдалар.

Шоҳалол ШОҚОСИМОВ



Ғиламда ёш спортчилар.

«МЕБЕЛ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Мebel» ОАЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2002 йил 3 май кунини соат 14:00 да қуйидаги манзилда ўтказилди:
Тошкент шаҳри, Саъдий кўчаси, 6-уй.

КУН ТАРТИБИ:

1. «МЕБЕЛ» ОАЖнинг 2001 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисобот ва 2002 йилдаги вазифалар тўғрисида.
2. Тафтиш комиссиясининг 2001 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи.
3. «МЕБЕЛ» ОАЖнинг 2001 йилдаги баланси ва аудиторлик текширув натижаларини тасдиқлаш.
4. «МЕБЕЛ» ОАЖда Кузатув кенгаши таркибига янги аъзоларни сайлаш тўғрисида.
5. Бошқа масалалар.

«МЕБЕЛ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 2002 ЙИЛ 1 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН БАЛАНСИ:

Балансининг «АКТИВ» қисми (минг сўм)	Балансининг «ПАССИВ» қисми (минг сўм)
1. Асосий воситалар - 37824	1. Устав капиталли - 13277
2. Тайёр маҳсулот қолдиғи - 23453	2. Утган йилларнинг жамғарма капиталли - 100562
3. Номоддий активлар - 13389	3. Келгуси даврлардаги - 3354
4. Олиб сотиладиган товарлар - 9983	4. Қисқа муддатли кредит - 50000
5. Пул маблағлари - 88286	5. Кредиторлар - 196788
6. Дебиторлар - 70543	
БАЛАНС - 363981	БАЛАНС - 363981

2001 ЙИЛГИ МОЛЯВИЙ НАТИЖАЛАР:

Кўрсаткичлар номи	Натижа кўрсаткичлари (минг сўм)
1. Маҳсулот сотишдан тушган тушум - 688159	
2. Ҳисобот давридаги соф фойда - 3218	

Балансинг тўғрилиги «L SAN AUDIT» аудиторлик фирмаси орқали тасдиқланди. Лицензия № 00082 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2001 йил 20 июнда берилган. Ҳужжатлар билан танишиш бошқарув идорасида ўтказилди.
Манзилимиз: «МЕБЕЛ» ОАЖ, Тошкент, Саъдий кўчаси, 6-уй.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

ТОШКАНБОЙ ЭҒАМБЕРДИЕВ НОМИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ 2002 ЙИЛ 19 апрелдан 28 апрелгача ТОШКЕНТ ЦИРКИДА МИККИ МАУСНИНГ ХАЙРЛАШУВ ТОМОШАЛАРИ

Дастурда: ўргатилган кучуқчалар, отлар, туюлар, қатпарлар, улкан бўғма илон ва маймунчалар иштирок этади.

Шунингдек, Чипполино, Карабас-Барабас, Буратино, Бэтмен ва бошқа сеvimли эртак қаҳрамонлари билан учрашасиз.

Томошалар: 19 ва 26 апрелда — 18.00; 20-21-27-28 апрелда — 12.00, 15.00 ва 18.00 да бошланади.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-32-23, 144-35-91, 144-29-04.
Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.
Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.
Касса эрталари соат 9 дан очик.

The Swiss Cooperation Office under the Embassy of Switzerland in Tashkent has a challenging opening for a **Project Officer (50%)** **Uzbekistan Art & Culture Programme**

General
Under the supervision of the Head of Regional Swiss Cooperation Office the Project Officer – Art & Culture is responsible for both the implementation and monitoring of the programme and the keeping up of national and regional (Central Asian) cultural networks.

Main tasks and duties:

- To develop Swiss cooperation with Uzbekistan in the field of art & culture promotion
- To assess completed art & culture projects and reflect on future strategies and approaches
- To maintain and extend local, regional and international cultural networks
- To coordinate the public relations and media activities of the program
- To assure freedom of expression and a liberal attitude within the programme.

The ideal candidate will have:

- Good communication and networking capacity, and an open mind
- Sensitivity for all kinds of cultural expressions, and creativity in supporting them
- Capacity to delegate tasks and to coordinate a multitude of partners and projects
- Writing and reporting skills
- Skills in project cycle management
- Good knowledge (oral and written) of Russian, /Uzbek and English or French
- Computer skills (Microsoft Office package)

Applications with a full CV in English should be sent to the Swiss Cooperation Office in Tashkent, attention to the Senior National Program Officer. No correspondence is possible during the selection period. The Swiss Cooperation Office in Tashkent will contact short-listed candidates. The deadline for application to be received is 24 April 2002. No applications will be considered after this deadline.

Address:
Usman Nosir st, tupik 1, 4
700070 Tashkent

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ!»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кўтовларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Тошкент шаҳридаги иккита ўрни бўш хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимига нотариал фаолияти билан шуғуллануш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилади. Унга қатнашишни истаганлар бир ой мuddат ичиде Тошкент шаҳар Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.

Собир Раҳимов туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус А.А.Абдуваҳидовга берилган 000093 рақамли нотариал фаолият билан шуғуллануш ҳуқуқини берувчи лицензия Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг буйруғига асосан бекор қилинди.

Тошкент Кино техникуми маъмурияти техникум директорининг амалиёт ишлари бўйича ўринбосари Мэлэ Собирович Юнусовга онаси **ХАБИБА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармачиси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
8332 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган